

УЎК (УДК, UDC): 811.512.133’366.596  
DOI: 10.36078/1577695688

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАРТ КОНСТРУКЦИЯЛАР КОМИССИВ НУТҚ АКТЛАРИ СИФАТИДА



**Ислом Урол ўғли МИННИҚУЛОВ**

Ўқитувчи

Инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[mr.islom19@gmail.com](mailto:mr.islom19@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида шарт конструкцияларининг прагматик аспекти ўрганилган. Хусусан, унда қиёсланаётган тилларда шарт муносабат билдирувчи конструкцияларнинг комиссив нутқ акти вазифасини бажариш имконияти таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инглиз ва ўзбек тилларида шарт формалар муайян коммуникатив муҳитда *таклиф, ишонтириш, ваъда, дўқ (нўписа)* каби комиссив актларни бажаради. Инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тилида шарт конструкциялар *рози бўлиш, қасам ичиш ва ниятини ошкор қилиш* сингари комиссив акт функциясини бажаради. Ифода шакли ва тарзига кўра, қиёсланаётган тилларда комиссив акт вазифасини бажарувчи шарт формалар синтактик қатламда имплицит тарзда ўз контекстида реаллашиши ўхшаш хусусиятдир. Ушбу тадқиқотда лингвистик тавсифлаш, дискурс таҳлил, прагматик таҳлил методларидан фойдаланилган. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг муайян перформатив нутқ акти, хусусан, комиссив нутқ акти вазифасини бажариш бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилишда лингвистик таснифлаш, уларнинг комиссив акт сифатидаги прагматик аспекти очиқ беришда дискурс таҳлил ва прагматик таҳлил усулларида фойдаланилган. Тадқиқотнинг натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди: инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи формалар муайян коммуникатив контекстда комиссив нутқ акти вазифасини бажариши мумкин; комиссив нутқ акти вазифасини бажараётган шарт конструкцияларнинг тил синтактик сатҳида имплицит тарзда ифодаланиши ўхшаш хусусиятдир; шарт конструкцияларнинг комиссив нутқ актини бажаришида ижтимоий контекст, сўзловчининг коммуникатив мақсади каби омиллар муҳим ўрин тутди.

**Калит сўзлар:** шарт; шарт муносабат; шарт конструкция; нутқ акти; комиссив нутқ акти; иллокутив куч.

## УСЛОВНЫЕ КОНСТРУКЦИИ КАК КОМИССИВНЫЕ РЕЧЕВЫЕ АКТЫ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

**Ислам Урол угли МИННИКУЛОВ**

Преподаватель

Кафедра методики преподавания английского языка  
Узбекский государственный университет мировых языков  
Ташкент, Узбекистан  
[mr.islom19@gmail.com](mailto:mr.islom19@gmail.com)

### Аннотация

Статья посвящена анализу прагматического аспекта условных конструкций на английском и узбекском языках. В частности, в сравниваемых языках возможность условных конструкций функционировать в качестве комиссивных речевых актов проанализирована в статье. Результаты работы показали, что условные конструкции на английском и узбекском языках могут функционировать как акты *предложения, убеждения, обещания и угрозы* в определенном коммуникативном контексте. В отличие от английского, в узбекских условных конструкциях могут исполняться речевые акты *принятия, присяги и объявления о намерении*. В соответствии с формой и способом выражения в сравниваемых языках условные формы, функционирующие как комиссивные речевые акты, неявно выражаются в его собственном контексте. В этом исследовании используются такие методы исследования, как лингвистическое описание, дискурс-анализ, прагматический анализ. В частности, метод лингвистического описания использовался при анализе научной литературы о потенциале языковых единиц, выражающих условные отношения на английском и узбекском языках, как перформативного акта, в частности, комиссивного акта. Методы дискурсивного анализа и прагматического анализа были использованы для выявления прагматического аспекта условных конструкций как речевого акта. На основании результатов исследования были сделаны следующие выводы: условные формы на английском и узбекском языках могут выступать как речевой акт в определенном коммуникативном контексте; неявное выражение условных конструкций, функционирующих как комиссивный акт на синтаксическом уровне, является аналогичной характеристикой; социальный контекст и коммуникативная цель говорящего важны для того, чтобы условные формы функционировали как речевой акт.

**Ключевые слова:** условие; условные отношения; условное построение; речевые акты; комиссивные речевые акты; иллюкутивная сила.

### CONDITIONAL CONSTRUCTIONS AS COMMISSIVE SPEECH ACTS IN ENGLISH AND UZBEK

Islam Urol ugli MINNIKULOV

Teacher

Department of Teaching English

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan

[mr.islom19@gmail.com](mailto:mr.islom19@gmail.com)

### Abstract

The article deals with the analysis of pragmatic aspect of conditional constructions in English and Uzbek. In particular, in compared languages, the possibility of conditional constructions to function as a commissive speech act is analysed in the article. The results of the work have shown that the conditional constructions in English and Uzbek can function as commissive acts of *offer, persuasion, promise and threat* in a certain communicative context. Unlike in English, in Uzbek conditional constructions can perform commissive speech acts of *acceptance, oath and announcement of intention*. In accordance with the form and manner of expression, in compared languages conditional forms functioning as a commissive act are implicitly expressed in its own context. Methods of investigation such as linguistic description, discourse analysis, pragmatic analysis are used in this study. In particular, the method of linguistic

description was used in analyzing scientific literature on the potential of language units expressing conditional relationships in English and Uzbek to function as a performative act, particularly, a commissive act. The discourse analysis and pragmatic analysis methods were used in revealing the pragmatic aspect of conditional constructions as a commissive speech act. The following conclusions of the research were drawn on the basis of the results: conditional forms in English and Uzbek can function as a commissive speech act in a particular communicative context; the implicit expression of conditional constructions functioning as a commissive act in a syntactic level is a similar characteristic; social context and speaker's communicative aim are important for conditional forms to function as a commissive speech act.

**Keywords:** condition; conditional relationship, conditional construction; speech acts; commissive speech acts; illocutionary force.

Комиссив нутқий ҳаракатлар нутқ акти назариясининг асосий категорияларидан ҳисобланади. Ж.Сёрльнинг эътироф этишича, комиссивлар сўзловчини бирор бир иш-ҳаракатни келажакда (турли даражаларда) амалга оширишга ундовчи иллокутив актлардир (2, 11). Бундай нутқ актлари учун энг мақбул шароит ёки акт, бу — *ният қилмоқ ёки хоҳламоқ* феълидир.

Хориж тилшуноси А. Б. Салгуэиронинг қайд этишича, *қўрқитиш (дўқ, пўписа)* комиссив нутқ актининг бир тури бўлиб, ўз прагматик қиймати сифатида иллокутив кучига эга (1, 213–2140. Шунингдек, С. М. Кадҳим ва И. Ж. Аббаснинг эътирофича, *қўрқитиш (дўқ, пўписа)* комиссив нутқ акти ифода планига кўра, бевосита ёки билвосита, имплицит ёки эксплицит бўлиши мумкин (6, 2). Яна бир хориж тилшуноси С. Сами *қўрқитиш (дўқ, пўписа)* ва *ваъда бериш* комиссив актлари ўртасидаги фарқларни ўрганар экан, сўзловчининг прагматик интенцияси нуқтаи назардан, “*қўрқитиш*” акти “*ваъда бериш*” актидан ифода шаклига кўра фарқ қилишини қайд этади (7, 46). Аниқ бўладики, *қўрқитиш (дўқ, пўписа)* комиссив нутқий акт бўлиб, ўз иллокутив кучига эга ва ифода планига кўра, бевосита ёки билвосита, имплицит ёки эксплицит бўлиши мумкин.

Хорижлик тилшунос П. М. Тиэрсма эътироф этишича, *таклиф қилиш, (таклифни) қибул қилиш ёки таклифга рози бўлиш, ваъда бериш* комиссив нутқ акти ҳисобланиб, сўзловчини келажакда бирор иш қилишга ишонтиради (3, 196).

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи конструкциялар муайян нутқий фаолият жараёнида сўзловчининг прагматик мақсади ва ижтимоий контекстан келиб чиқиб, комиссив нутқ актлари вазифасини бажариши мумкин. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида шарт конструкцияларининг комиссив акт вазифасини бажаришини таҳлил қилинади ва уларнинг прагматик аспекти очиб берилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи тил бирликлари *таклиф* мазмунидаги комиссив нутқ акти вазифасини бажаради.

**Контекст:** Скримжер Гарри, Рон ва Гермиона билан гаплашиб олиши зарурлигини айтар экан, буни алоҳида-алоҳида амалга ошириш таклифини беради ва биринчи Рон билан суҳбатни бошлайди.

**Скримжер:** *I have some questions for the three of you, and I think it will be best if we do it individually. If you two — he pointed at Harry and Hermione — can wait upstairs, I will start with Ronald* (4, 122).

**Контекст:** Мингбошининг катта хотини Ҳадичахон ва ўртанча хотини Пошшахон кундоши Султонхоннинг устига Зебини мингбошига олиб беришга уринар экан, Пошшахон Ҳадичахонни бирликка чақиради:

**Пошшахон:** *Қарс икки қўлдан чиқар экан! Иккаламиз бир бўлсак, Султонни тузлаймиз. Ундан кейин кундошлик алами, сиздан икки поғона, мендан бир поғона йироклашади. Икковимиз ҳам хотиржам бўлиб, опа-сингил тутинамиз. Шу давлатни, қанча керак, ўз қўлимизга олиб, ўртада баҳам кўришамиз. Ёшлигимиз шамолга кетиб бўлди... Энди давлатдан бир нарса олиб қолайлик. Қариганимизда асқотади...*

**Ҳадичахон:** *Соз бир қизни тўғри қилсангиз, ҳали ҳам йўқ демайди у фосиқ! Ўйлашайлик, бўлмаса...* (9, 54).

Ушбу мисолларда сўзловчи ўз нутқида *It will be best if we do it individually* ва *Иккаламиз бир бўлсак, Султонни тузлаймиз* шарт муносабатли синтактик тил бирликларидан фойдаланар экан, *таклиф* мазмунидаги перформатив нутқ акти вазифасини бажариш орқали имплицит тарзда тингловчига ўз таклифини билдиради. Бу эса, ўз навбатида юқоридаги шарт формаларининг *таклиф* каби нутқ акти вазифасини бажариш имконияти мавжудлигини белгилайди. Шунингдек, қайд этиш жоизки, *таклиф* комиссив акт бўлгани учун, ҳар иккала тилда ҳам иш-ҳаракат келаси замонга ишора қилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи конструкциялар *ишонтириш* мазмунидаги иллокутив кучга эга бўлиб, ушбу мазмундаги комиссив нутқ акти вазифасини бажаради.

**Контекст:** Гарри, Гермиона ва Рон ўртасидаги суҳбат. Улар вайрон бўлиб кетган кафедра бир неча ҳушсиз одамларнинг хотирасини ўзгартиришни режалаштиради. Гермиона Долоховнинг хотирасини ўзгартиргач, Гарри унга бошқаларникини ҳам шундай қилишни буюради. Гарри Рон билан вайронага айланган кафени тозалаш режасини айтар экан, Рон “бундан мақсад нима” дегандай Гаррига юзланади ва Гарри “одамлар ўзларига келиб нима содир бўлганини билишни хоҳлайди”, — дея Ронни кафени тозалашга ишонтиради, кўндиради.

**Гарри:** *Don't you think they might wonder what's happened if they wake up and find themselves in a place that looks like it's just been bombed?*

**Рон:** *Oh right, yeah...* (4, 167).

**Контекст:** Мингбоши жаид мактабини ёптиришни Нойиб тўра буюрганлиги учун ёптирганлигини тилга олар экан, Нойиб тўранинг ёнига бориб, бу масала (газетда чиққан мақола назарда тутиляпти)ни ҳал қилишни сўрамоқчи бўлади. Мирёқуб эса, бунинг фойдасизлигини уқтиришга уринади.

**Мингбоши:** *Йўқ, шошма, мен нойиб тўранинг ёнларига бораман, «Иложини қилинг, ўзингиз айтгансиз», дейман. Қани, йўқ десин-чи!*

**Мирёқуб:** *Йўқ дейишдан қўрқармиди? Йўқ, дейди, тоғиб тура беради...*

**Мингбоши:** *Нега, ахир? Негани?*

**Мирёқуб:** *Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди (9, 100)?*

Юқоридаги дискурс намуналарида ишлатилган шарт формалари “they might wonder what’s happened if they wake up and find themselves in a place that looks like it’s just been bombed?” ва “Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди?” тилнинг грамматик сатҳида синтактик тил бирлик сифатида ифодаланган бўлиб, имплицит тарзда *тингловчини ишонтириш* мазмунидаги комиссив нутқ акти вазифасини бажариш учун ишлатилган. Сўзловчи мазкур шарт гапдан фойдаланар экан, тингловчини ўз фикрига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Қиёсланаётган тилларда шарт муносабат ифодаловчи гаплар *ваъда бериш* мазмунидаги комиссив нутқ акти вазифасини бажаради.

**Контекст:** Дамблдор ва Риддл ўртасидаги суҳбат. Дамблдор Риддлга ўзининг Ҳогвартс сеҳргарлик мактабида ўқишни таклиф этади. Риддл дастлаб, бунга ишонмайди ва у Дамблдордан жаҳли чиқиб “Сиз мени алдай олмайсиз, “Сиз бирор бир бошпанада турсангиз керак”, — дейди. Шунда Дамблдор унинг тинчланишини сўраб, агар тинч ўтирса Ҳогвартс ҳақида сўзлаб беришга ваъда беради.

**Дамблдор:** *If you will sit down calmly, I shall tell you about Hogwarts. Of course, if you would rather not come to the school, nobody will force you —(5, 270).*

**Контекст:** Акалари ва кўшни болаларнинг маҳаллага кино келармиш деган гапини эшитиб, “мен ҳам бораман” деб туриб олган болакайни акалари кинога олиб бормаслик учун уни алдаб кетади.

**Болакай:** *Мен ҳам бораман.*

**Акалари:** *Бўпти, борасан. Айтган ишларимизни ҳаммасини қилсанг, оборамиз (8, 26).*

Мисоллардан кўринадик, “if you will sit down calmly, I shall tell you about Hogwarts” ва “Айтган ишларимизни ҳаммасини қилсанг, оборамиз” каби шарт конструкциялар тилнинг грамматик қатламида синтактик бирлик сифатида ўз ифодасини топган. Ушбу шарт маъно ифодаловчи гаплар ўз ўрнида “ваъда бериш” мазмунидаги комиссив нутқ акти бўлиб келган ва бунда мазкур шарт

эргаш гапли кўшма гапларнинг эргаш гап қисмидаги феълнинг ҳозирги замон ва бош гап қисмидаги феълнинг келаси замон шакллари бундай конструкцияларнинг *ваъда бериш* каби перформатив нутқ акти вазифасини бажаришда аҳамият касб этади. Ушбу шарт формаларининг *ваъда бериш* мазмунидаги прагматик табиати эксплицит тарзда ифодаланмаса-да, иксплицит ҳолда контекстда реаллашади.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатни ифодаловчи гаплар *қўрқитиш*, *дўқ*, *пўписа* каби прагматик мазмунни шакллантириб, ўзаро мулоқот жараёнида ушбу мазмундаги комиссив нутқий акт вазифасини бажаради.

**Контекст:** Рон кўлидаги қутиларни ерга кўяди ва Фредга баъзи қутичаларни шиккофнинг ўнг томонига кўйишни буйурар экан, кўли билан Фредга қараб кўпол жест ишлатади. Буни Визлий хоним пайқаб қолиб, Ронга дўқ қилади.

**Визлий хоним:** *If I see you do that again I'll jinx your fingers together* (5, 121).

**Контекст:** Зеби Мингбошини заҳарлаганликда айбланди. Суд бўляпти. Суд раиси Зебидан юзини очишини сўраяпти. Тилмоч қанча тушунтирса ҳам Зеби юзини очмаяпти. Суд раисининг жаҳли чиқиб, дўқ қилди.

**Суд раиси:** *Харбий суд масхарами бу кишига? Айтингиз, яхшилик билан очсинлар. Бўлмаса куч билан очтирамиз* (9, 305)!

Мисоллардан кўриниб турганидек, “If I see you do that again I'll jinx your fingers together” ва “Бўлмаса, куч билан очтирамиз!” каби шарт формалар тилнинг грамматик қатламида синтактик бирлик сифатида ўз ифодасини топган. Ушбу шарт маъно ифодаловчи гаплар *қўрқитиш*, *дўқ*, *пўписа* мазмунидаги иллокуцион кучга эга бўлиб, ушбу мазмундаги комиссив нутқ акти вазифасини бажармоқда. Сўзловчи ушбу шарт формалардан фойдаланар экан, тингловчига *дўқ*, *пўписа* қилади. Ушбу шарт формаларининг *дўқ*, *пўписа* мазмунидаги прагматик табиати эксплицит тарзда ифодаланмоқда.

Қиёсланаётган тилларда шарт муносабат ифодаловчи тил бирликларининг комиссив нутқ акти вазифасини бажариш потенциалини таҳлил қилар эканмиз, инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида шарт гаплар юқорида таҳлилга тортилган комиссив нутқ актларидан ташқари *рози бўлиш (таклифга)*, *қасам ичиш ва ниятини ошкор этиш* комиссив нутқ актлари вазифасини бажариши аниқланди.

Ўзбек тилида шарт муносабат ифодаловчи гаплар *рози бўлиш (таклифга)* каби прагматик мазмунни шакллантириб, ўзаро мулоқот жараёнида ушбу мазмундаги нутқий акт вазифасини бажаради.

**Контекст:** Мирёкуб тўй ҳақида оғиз очади. Бу тўй Акбарали ва Зебининг тўйи эди. Мирёкуб Зебининг булбулдай овозини мақтаб, Мингбошини кўндиришга ҳаракат қилади:

**Мингбоши:** *Қишлоқда? Кимникида?*

**Мирёкуб:** *Холматникида.*

**Мингбоши:** *Шу Холматникида? Шу ўзимизнинг Холматникида-я? У бечора очидан ўлолмай юрибди, меҳмон чақириб нима қилар экан? Битини бериб боқадими!*

**Мирёкуб:** *Шунинг учун сиз чақиртирсангиз, Холмат ҳам хурсанд бўлади, меҳмонлари ҳам.*

**Мингбоши:** *Ундай бўлса, мен катта хотинимга айтайин, чақиртирсин. Эшитайлик... (9, 76).*

Ушбу шарт конструкцияси “Ундай бўлса, мен катта хотинимга айтайин, чақиртирсин. Эшитайлик...” тилнинг грамматик қатламида синтактик тил бирлик сифатида ифодаланган. Сўзловчи ушбу шарт гап орқали нафақат шарт маъно, балки *рози бўлиш* мазмунидаги прагматик маънони ҳам ифодалайди. Сўзловчи “рози бўлиш” каби иллокуцияга эга бўлган комиссив нутқ акти вазифасини бажарар экан, тингловчининг фикрига кўшилганини, унинг фикрини маъқуллаганини маълум қилади.

Ўзбек тилида шарт муносабат ифодаловчи формалар *қасам ичиш* декларатив нутқ акти вазифасини бажаради.

**Контекст:** Мирёкуб Мингбошини шахарнинг бузуқтик ила ном чиқарган машҳур номерларидан бирига олиб келди. Бу номерга келадиган кишилар фақат айшу ишрат учунгина тўхталардилар. Мингбоши хона ичига кирар экан, Мирёкубга бир сирни очмоқчи бўлди. Яъни, Мингбоши Зебига қиз ёки хотин деб талабгор эмаслигини, шунчаки, ашуласига, овозига ишқи борлигини таъкидларди.

**Мингбоши:** *Ўзим ҳам ҳайронман. Ашуласини эшитсам бўлди, дейман ўз кўнглимда. Ашуласига, овозига ишқим бор, унақа итлик йўқ...*

**Мирёкуб:** *Оббо! Итлик йўқ! Сизда-а? Э тавба...*

**Мингбоши:** *Нон урсин агар...(9, 139).*

Ушбу шарт конструкцияси “Нон урсин агар...” тилнинг грамматик сатҳида синтактик тил бирлиги сифатида ифодаланган. Сўзловчи ўз нутқида шарт формасидан фойдаланар экан, “қасам ичиш” иллокутив кучига эга бўлган декларатив нутқ актини ифодалайди. Сўзловчининг прагматик интенцияси имплицит тарзда контекстда реаллашади. Сўзловчи ушбу формадан фойдаланиш орқали тингловчига имплицит прагматик таъсир ўтказиш, яъни уни сўзларининг ростлигига янада ишонтириш каби прагматик мақсадини амалга оширади.

Ўзбек тилида шарт муносабат ифодаловчи тил бирликлар *ниятини, мақсадни ошкор қилиш* декларатив нутқ акти вазифасини бажаради.

**Контекст:** Мирёқубнинг миясидаги Терговчи унинг Пошшахонни Мингбошидан чиқмасликка кўндиришининг мақсадни сўрар экан, Мирёқубни очик гапиришга ундайди.

**Терговчи:** «*Биламиз, биламиз. Сўзингни калта қил!*»

**Мирёқуб:** “*Қазо етиб ўла қолса, Пошшахонга уйланмоқчи эдим...чунки, мингбошидан тегадиган мерос чакана бўлмасиди... (9, 194).*”

Мисолдан маълумки, “Қазо етиб ўла қолса, Пошшахонга уйланмоқчи эдим...” шарт муносабат ифодаловчи бирлик синтактик сатҳда ўз ифодасини топган. Сўзловчининг прагматик интенцияси *ниятини, мақсадни ошкор қилиш* мазмунидаги декларатив актни бажариш орқали амалга ошади. Сўзловчи ушбу прагматик мақсадни амалга оширишда шарт формасидан фойдаланар экан, шунингдек, “моқчи” келаси замон кўшимчаси эксплицит воситадан ҳам фойдаланади.

Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи конструкцияларининг комиссив нутқ акти сифатидаги прагматик аспекти қиёсланаётган тилларда шарт формаларининг қуйидаги иллокутив кучга эга бўлган актлар билан белгиланди: *таклиф, ишонтириш, ваъда бериш, қўрқитиш (дўқ, пўписа).*

Қайд этиш жоизки, инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тилида шарт конструкциялар *рози бўлиш (таклифга), қасам ичиш, ниятини (мақсадни) ошкор қилиш* каби иллокутив кучга эга бўлган нутқ актлари вазифасини бажаради.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи тил бирликлари бажарувчи комиссив нутқ актлари қуйидагича таснифланиши ҳамда ўхшаш томонларга эга бўлиши мумкин (жадвалга қаранг):

Нутқ акти тури	Инглиз ва ўзбек тиллари	Ўхшаш жиҳатлари: Ифода шакли ва тарзи	Фарқли жиҳатлари
Комиссивлар	Таклиф	Синтактик бирлик, имплицит	-
	Ишонтириш	Синтактик бирлик, имплицит	-
	Ваъда бериш	Синтактик бирлик, имплицит	-
	Дўқ-пўписа	Синтактик бирлик, имплицит	-
	Рози бўлиш (таклифга)	Синтактик бирлик, имплицит	-
	Қасам ичиш	Синтактик бирлик, имплицит	-
	Ниятини ошкор қилиш	Синтактик бирлик, эксплицит -моқчи (келаси замон аффикси)	-



Жадвалнинг мазмунидан маълумки, инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи тил бирликлари маълум мулоқот муҳитида комиссив нутқ акти вазифасини бажаради.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи тил бирликларининг комиссив нутқ акти прагматик мазмунини ифодалаш шаклига кўра, улар синтактик қатламда ўз ифодасини топиши билан характерланади. Бу эса, турли тиллар тизимида, хусусан, инглиз ва ўзбек тиллар тизимида хос хусусият бўлиб, ўзаро ўхшаш жиҳатлар сифатида тадқиқ қилинди.

Шунингдек, ифода тарзига кўра, таҳлилга тортилган мисолларнинг аксарият қисмида, хусусан, қиёсланаётган тилларда *таклиф*, *ишонтириш*, *ваъда бериш*, *қўрқитиш* (*дўқ-нўписа*), *рози бўлиш*, *қасам ичиш* каби комиссив нутқ актлари имплицит тарзда ўз ифодасини топиши турли тиллар тизими, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларда ўхшаш хусусият сифатида ўрганилди.

Фақат ўзбек тилида *ниятини*, *мақсадини ошкор қилиш* комиссив нутқ акти эксплицит тарзда ифодаланиши ўзига хос хусусиятдир.

Шундай қилиб, таҳлил натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантиришимиз мумкин:

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабат ифодаловчи формалар маълум коммуникатив контекстда комиссив нутқ акти вазифасини бажариши мумкин;

Қиёсланаётган тилларда комиссив нутқ акти вазифасини бажараётган шарт конструкцияларнинг тилнинг синтактик сатҳида имплицит тарзда ифодаланиши ўхшаш хусусиятдир;

Ўрганилаётган тилларда шарт конструкцияларнинг комиссив нутқ актини бажаришида ижтимоий контекст, сўзловчининг коммуникатив мақсади каби омиллар муҳим ўрин тутди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Antonio Blanco Salgueiro. Promises, threats, and the foundations of speech act theory//Pragmatics, International Pragmatics Association, Vol. 20, No. 2, 2010. —P. 213–228.
2. John R. Searle. A classification of illocutionary acts//Language in society, Vol. 5, No. 1, 1976. — P. 105–107.
3. Peter Meijes Tiersma. The Language of Offer and Acceptance: Speech Acts and the Question of Intent//California Law Review, Vol. 74, No. 1, 1986.—P. 189–232.
4. Rowling J. K. Harry Potter and The Deathly Hallows. — New York: Harry Potter Publishing Rights, 2007. — 759 p.
5. Rowling J. K. Harry Potter and the Half Blood-Prince. — New York: Harry Potter Publishing Rights, 2005. — 671 p.
6. Sadiq Mahdi Kadhim and Ibtihal Jasim Abbas. The Speech Act of Threatening in English and Arabic with Reference to the Glorious Qur'an.—Babylon: University of Babylon, 2016.—399 p.

7. Samar Sami. The Differences between Threat and Promise Acts//International Research Journal of Humanities and Social Science: A Peer-Reviewed Bilingual Journal, Vol. I, No. 3, 2015.— P. 46–53.
8. Ўткир Хошимов. Дунёнинг ишлари. Қисса. — Тошкент: Meriyus XHMK, 2012. — 272 б.
9. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман.— Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. — 332 б.

#### REFERENCES

1. Antonio Blanco Salgueiro, *Pragmatics, International Pragmatics Association*, Vol. 20, No. 2, 2010. pp. 213-228.
2. John R. Searle. *Language in society*, Vol. 5, No. 1, 1976, pp. 105-107
3. Peter Meijes Tiersma, *California Law Review*, Vol. 74, No. 1, 1986, pp. 189-232.
4. Rowling J. K. *Harry Potter and The Deathly Hallows*, New York: Harry Potter Publishing Rights, 2007, 759 p.
5. Rowling J. K. *Harry Potter and The Half Blood-Prince*, New York: Harry Potter Publishing Rights, 2005, 671 p.
6. Sadiq Mahdi Kadhim and Ibtihal Jasim Abbas. *The Speech Act of Threatening in English and Arabic with Reference to the Glorious Qur'an*, Babylon: University of Babylon, 2016, 399 p.
7. Samar Sami. The Differences between Threat and Promise Acts//International Research Journal of Humanities and Social Science: A Peer-Reviewed Bilingual Journal, Vol. 1, No. 3, 2015. pp. 46-53.
8. Utkir Khoshimov, *Dunyoning ishlari (Works of the world)*, Toshkent: Meriyus XHMK, 2012, 272 p.
9. Chulpon, *Kecha va Kunduz (Day and night)*, Toshkent: New century generation, 2015, 332 p.